

Исми ва нисбати: Абдуллох ибн Омир ибн Язид ибн Тамим ибн Робиъа ибн Омир ибн Абдуллох ибн Имрон ал--Яхсубий. Унинг Яхсубий дейилиши Яхсуб ибн Омир ибн Хумайр ибн Саба ибн Яшжуб ибн Яъруб ибн Кахтон ибн Омирга нисбатандир. Ибн Омир соф араб бўлиб, Химяр кабиласига мансуб бўлган. Унинг куняси хакида икки--уч хил ривоят бор бўлиб, тўгрироги, Абу Имрон бўлган.

Таваллуди ва вафоти: Ибн Омир 8/629 санада Дамашкка карашли туманлардан бири Балкода таваллуд топган. Бу ҳақда ўзи шундай дейди: «Мен 8 хижрийда Рихоб деб аталган кишлокнинг Балко деган жойида тугилганман. Расулulloх соллalloху алайхи васаллам вафот этганларида икки ёшда эдим. Бу Дамашк фатх бўлишидан олдин эди. У фатх бўлгандан кейин тўккиз ёшимда Дамашкка келдим». Буюк имом Абдуллох ибн Омир рахматуллохи алайхи 118/736 санада Дамашкда, Ашуро куни вафот этди.

Манокиблари: Ибн Омир буюк тобеинлардан бўлиб, машхур етти корининг бири ва уларнинг санади олийларидан хисобланади. У Куръон, ҳадис илмида ва араб тили коидалари ва балогатида етук билимга эга бўлган. Абу Дардо розияллоху анхундан кейин у кишининг ўрнига Шом ахлининг кироат илмидаги катта устози сифатида пешво бўлган. Халифа Валид ибн Абдулмалик даврида кози этиб тайинланган. У Дамашкдаги марказий масжид Жомеъул-умавийда кўп йил имомлик килган. Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳам келиб, унинг оркасида намоз ўқир эди.

Шогирди Яҳё Зиморий айтади: «Ибн Омир мамлакатнинг козиси эди, Дамашк масжидининг биносида ўтирарди. У масжиднинг раиси бўлиб, у ерда бирор бидъат кўрса, уни, албатта, ўзгартирар эди».

Абу Али Ахвазий айтади: «Ибн Омир имом, олим, келтирган маълумотида ишончли, ривоят килган нарсасини яхши эсда саклаган, ёд олган нарсасини пухта эгаллаган, айтган гапини яхши билиб, тўгри фахмлай олган, накл килган нарсаларида содик киши эди. Мусулмонларнинг афзалларидан, тобеинларнинг энг яхшиларидан, ровийларнинг улугларидан бўлган. У дин--диёнати хакида ёмон гумон килинмаган, иймонида шак этилмаган, омонатида шубҳа килинмаган, ривоятида гап--сўз бўлмаган одамдир».

Ибн Жазарий «Ан--Нашр»да шундай дейди: «У Жомеъул-умабийда Умар ибн Абдулазиз даврида ва ундан кейин хам, олдин хам мусулмонларга имомлик килган... Халифа Дамашкда имомлик, козилик ва кироатда шайхлик вазифасини унга топширган эди. Дамашк у пайтда халифалик маркази, етук уламолар ва тобеинлар келиб тушадиган жой бўлиб, улар унинг кироатига, уни макбул кўриб ўрганишга иттифок бўлишган. Улар мусулмонларнинг энг афзали бўлмиш биринчи авлод эдилар».

Имом Жазарий Шом диёрларида 5-6 хижрий асрларда хам асосан Ибн Омирнинг кироати машхур бўлганини, халк оммаси шу кироатда ўқишини айтган.

Ибн Омир, озрок бўлса--да, хадис хам ривоят килган. Имом Насоий ва бошка мухаддислар уни ўта ишончли кишилардан деб айтишган. У ривоят килган хадисларни имом Муслим, Ибн Хиббон ва имом Ахмадлар ўз хадис тўплаарида келтиришган.

Устозлари: Ибн Омир Усмон розияллоху анхунинг шогирди Мугийра ибн Абу Шихобга, улуг сахобийлар Абу Дардо, Фазола ибн Убайд Ансорий, Восила ибн Аскаъ розияллоху анхумга Куръонни ўкиб берган. У Усмон розияллоху анхунинг ўзидан хам Куръон эшитган. У яна Муовия ибн Абу Суфён, Нуъмон ибн Баширлардан хадис тинглаган ва ривоят килган.

Кироатдаги санади: Ибн Омир санади олий имомлардандир. У кироатни Абу Хошим Мугийра ибн Абу Шихоб ва Абу Дардо розияллоху анхундан олган. Мугийра Куръонни Усмон розияллоху анхуга ўкиб берган. Усмон ва Абу Дардо розияллоху анхумо бу кироатни Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ўрганганлар. Ибн Омир кироатни бир томондан иккита восита, иккинчи томондан битта восита оркали Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан накл килган.

Шогирдлари: Ибн Омирдан укаси Абдуррахмон ибн Омир, Яхё ибн Хорис Зиморий, Робиъа ибн Язид, Жаъфар ибн Робиъа, Исмоил ибн Убайдуллох бин Абу Мухожир, Саид ибн Абдулазиз, Булко козиси Халлод ибн Язид ибн Субайх Муррий, Язид ибн Абу Молик ва бошкалар кироатдан таълим олган ва унинг кироатини ривоят килган. У кишидан Абдуррахмон ибн Язид ибн Жобир, Абдуллох ибн Ало, Зубайдий, Яхё Зиморий ва бошкалар хадис ривоят килган. Имом Ибн Омирнинг кироатини ривоят килганлар ичида энг мўътабарлари Хишом ва Ибн Заквондир.

Машхур ровийлари:

А) Абу Валид Хишом ибн Аммор ад--Димашкий;

Б) Абдуллох ибн Ахмад ибн Башир ибн Заквон ад-Дамашкий.

Хишом

Исми ва нисбати: Абу Валид Хишом ибн Аммор ибн Нусайр ибн Абон ибн Майсара ас--Суламий ад--Димашкий.

Таваллуд ва вафоти: Хишом рахматуллохи алайхи 153 хижрийда таваллуд топган ва 245 йилда Дамашқда вафот этди.

Фазилатлари: Хишом рахматуллохи алайхи кироат устози, факих, мухаддис, Дамашкнинг козиси, муфтийси ва имоми хатиби бўлган. У ўз даврининг Куръон ва хадис илмида пешкадам бўлган кишиларидан кироат ва хадисларни ривоят қилган. У хадисни пухта ўзлаштирмай туриб айтмас эди.

Хишом Дамашк жомеъсининг хатиби бўлиб, жумъа кунлари одамларга хутба қилар ва намоз ўқиб берар эди. Ибн Манзур «Тарихи Димашк»да келтиришича, Абдон Ахвазий шундай дейди: «Хишом ибн Аммор жумъа куни минбарда хутба қилар эди. Бир куни мен унга: «Эй Абу Валид, бу хутбангиз бошқа кунлардаги хутбаларингизга ўхшамас экан, бу янада балогатли экан», дедим. Шунда у: «Жим бўл, эй бола! Мен йигирма йилдан бери бирорта хутбани қайтармаганман», деди».

Бу эса имом Хишом йигирма йилда бирор мавзуни айнан такрорламаган, деганидир. Йигирма йилда мингтага яқин хутба қилиш мумкин. Бу ҳам бўлса, имомнинг қанчалар

катта илм ва фахмга эга эканига далолат килади. У ўз хутбаларидан бирида: «Хакни айтинглар, шунда Хак сизларни факат хак ила хукм килинадиган кунда хак ахлининг манзилларига туширади», деган эди.

Ибн Манзур айтади: «Хишом ибн Аммор юрганда ерга караб юрарди, Аллох таолодан хаё килганидан бошини осмонга кўтармас эди».

Асбахоний айтади: «Хишом улуг ёш, соғлом акл ва фикр билан ризкланган эди. Одамлар кироат ва хадис учун унинг олдига сафар килишарди».

Ибн Жазарий «Гоятун-нихая»да Хишом хакида шундай деган: «У накл килиш, фасохат, илм, ривоят ва дирият билан машхур бўлган».

Ривоят билан машхур бўлиш деганда, ўзининг ишончли санади билан олдингиларнинг сўзларини, амалларини, хаётларини накл килиш билан шухрат қозониш тушунилади. Дирият эса ўзи ривоят қилаётган нарсаларни пухта ўзлаштириб, тўла фахмлашдир.

Имом Доракутний: «Хишом гоятда ростгўй, мартабали, фасохатли, аллома ва ривоятда билими кенг одам эди», деган.

Абу Заръа: «Ким Хишом ибн Амморни қўлдан чиқарган бўлса, ўн минглаб хадисни излашга мухтож бўлади», деб айтган.

Ахмад ибн Абу Хаворий айтади: «Агар Абу Валид Хишом ибн Амморга ўхшаш одам бор шаҳарда хадис айтгудек бўлсам, менга соқолимни қириш лозим бўлади».

Хишом айтади: «Отам Аммор ўзининг бир уйини йигирма динорга сотиб, мени хажга жўнатди. Мадинага келиб, Молик ибн Анаснинг олдига бордим. Менинг ундан сўрамоқчи бўлган масалаларим бор эди. Мен унинг олдига келдим., У худди подшоҳлардек ўтирар, хизматкорлари эса тик турар

эди. Одамлар ундан савол сўрар, у эса уларга жавоб берарди. Мажлис тугагач, баъзи хадис ахллари: «Масалаларингни сўра», дейишди. Мен: «Эй Абу Абдуллох, фалон, фалон нарса хакида нима дейсиз?», дедим. У: «Болалар кўлимизга тушибди--ку! Эй хизматчи, уни кўтариб олиб кел», деди. У мени худди ёш болани кўтаргандек кўтариб олиб борди. Мен у пайтда балогат остонасидаги бола эдим. Молик мени муаллимларнинг дарраси билан ўн етти дарра урди. Мен йиглаб юбордим. Молик менга: «Нега йигляяпсан? Мана бу сени огритдими?» деди. Мен: «Отам уйини сотиб, мени сизга етишиб, хадис эшитишим учун жўнатган эди, сиз эса мени урдингиз», дедим. Шунда у: «Ёз», деди ва ўн еттита хадис айтиб берди. Мен ўзим сўрамокчи бўлган масалаларни сўрадим, уларга жавоб берди... Мен унга «Мени яна уриб, яна хадис айтиб беринг», дедим. Молик кулиб юборди--да: «Бор, кет энди», деди».

Бу воқеа хакида имом Захабий ўз санади орқали Хишом рахматуллохи алайхининг ўзидан унинг куйидаги гапини накл килган: «Моликнинг уйига бориб, изн сўрамай ичкарига кирдим. Шунда у бир хизматкорига буюрган эди, мени мусулмонларнинг дарраси билан ўн етти марта ўриб, чиқариб юборди. Мен унинг эшиги тагида йиглаб ўтирдим. Мен калтак учун эмас, балки хасратдан йиглагандим. Шу пайт бир жамоа кишилар келиб қолишди. Мен уларга бўлган воқеани айтиб бердим. Улар Моликдан менинг гунохимни ўтишини сўрашди. У менга ўн еттита хадис имло килдирди *(айтиб туриб ёздирди)*

».

Бағдоддаги айрим хадис илми уламолари Хишомнинг бундай деганини хикоя қилишади: «Мен Роббим азза ва жалладан еттита хожатни сўрадим, улардан олтитасини берди, еттинчисини нима қилади, билмайман:

Мени Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни тасдиқловчи қилишини сўраган эдим, шундай қилди;

ҳаж қилишни насиб этишини сўраган эдим, насиб қилди;

юз йил умр сўраган эдим, уни берди;

халол йўл билан минг динор беришини сўраган эдим, уни берди;

одамларни илм талабида менинг олдимга келадиган килишини сўраган эдим, шундай килди;

Дамашк минбарида хутба килишни сўраган эдим, насиб килди;

аммо мен нима килишини билмайдиган еттинчисига келсак, мен У Зотдан ўзимни ва ота--онамни магфират килиши сўраган эдим».

Устозлари: Хишом рахматуллохи алайхи кироатни Ирок ибн Холид ал-Муррий ва Айюб ибн Тамим ат--Тамимийдан арз йўли билан – ўкиб бериб олган. Ирок ибн Холид ва Айюб ибн Тамимлар Куръонни Яхё ибн Хорис Зиморийга ўкиб берган. Яхё ибн Хорис Абдуллох ибн Омирнинг энг катта шогирдларидан бўлиб, уни устоз ўз ўрнига кироат имомлигига тайинлаб кетган эди. Демак, Хишом рахматуллохи алайхи Ибн Омирнинг кироатини икки восита оркали олган.

У яна Сувад ибн Абдулазиз, Валид ибн Муслим, Садака ибн Холид, Мудрик ибн Абу Саъд, Умар ибн Абдулвохидларга ҳам Куръонни ўкиб топширган. Шунингдек, у Утба ибн Хаммоддан, Абу Дихя Муалло оркали Нофеъдан айрим харфларни ривоят килган.

У имом Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна, Муслим ибн Холид Занжий ва бошқалардан хадис ривоят килган. Ибн Лахиъадан ижозат билан хадис накл килган.

Шогирдлари: Абу Убайд ибн Саллом унинг кироатини хаётлик давридаёк, аникроги, вафотидан 40 йил олдин накл килган. Шунингдек, Ахмад ибн Язид Халвоний, Ахмад ибн Анас, Исхок ибн Абу Хассон, Исмоил ибн Хувайрис, Ахмад ибн Муалло, Иброхим ибн Аббод, Ахмад ибн Мухаммад ибн Бакр, Мусо ибн Жумхур, Ал--Аббос ибн Ал--Фазл, Хорун ибн Мусо Ал-Ахфаш, Абдуссамад ибн Абдуллох ибн Абдуссамад ва бошқалар ҳам унинг кироатини ривоят килишган.

Устозлари Валид ибн Муслим ва Мухаммад ибн Шуъайблар ундан хадис ривоят

килганлар. У ривоят килган хадисларни Бухорий, Термизий, Абу Довуд, Насоий, Ибн Мажалар ўз санадалари билан накл килганлар ва ўзларининг хадис тўпламларида келтирганлар.

Ибн Заквон

Исми ва нисбати: Абу Мухаммад Абдуллох ибн Ахмад ибн Башир ибн Заквон ибн Амр ибн Хассон ибн Довуд ибн Хаснун ибн Саъд ибн Голиб ибн Феҳр ибн Молик ибн Назр ал-Кураший ад-Дамашкий. Кўриниб турибдики, унинг боболари Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг боболари билан насабда туташади.

Таваллуд ва вафоти: Ибн Заквон раҳматуллохи алайхи 173 хижрийда Ошуро кунида таваллуд топган ва 242 хижрий санада Дамашқда, Шаввол ойидан икки кун колганда душанба куни вафот этган.

Фазилатлари: Ибн Заквон ўз даврида Шом ахлининг кироат пешволаридан бўлган. Дамашқ жомеъсида жумъадан бошқа кунлари намозда имомлик килган. У кироат коидаларини ижро қилишда Хишомдан ҳам устун эди.

Абу Заръа Димашкий айтади: «Менинг наздимда, Заквоннинг даврида Ироқда ҳам, Шомда ҳам, Хижозда ҳам, Мисрда ҳам, Хуросонда ҳам ундан кўра корироги бўлмаган».

Абу Али Ахмад ибн Мухаммад Асбахоний айтади: «Айюб ибн Тамимнинг вафотидан кейин кироатда имомлик икки кишига – Хишом ва Ибн Заквонга ўтди».

Ибн Заквон «Аксамул- Куръан» («Куръон қисмлари»), «Маа йажибу ъала кориил -Куръани инда харакати лисанихи» («Куръон қорисига тилини харакатлантиришда нималар вожиб бўлади?») номли китоблар таълиф этган.

Устозлари: Ибн Заквон кироатни Айюб ибн Тамим ат-Тамимийдан таълим олган. Айюб

эса Яхё ибн Хорисдан, у Абдуллох ибн Омирдан кироатни олган. Демак, Ибн Заквон хам Ибн Омирнинг кироатини иккита восита билан накл килган.

Абу Амр Донийнинг айтишича, Ибн Заквон имом Кисой Шомга келганда ундан Куръонни ўтказиб олган. Ибн Заквоннинг ўзи: «Мен Кисойнинг олдида етти ой бўлдим, унга Куръонни бир неча мартаба ўкиб бердим», дер эди.

У Исхок ибн Мусайябий оркали Нофеъдан хам харфлар ривоят килган.

Шогирдлари: Ундан кироатни ўз ўгли Ахмад, Ахмад ибн Анас, Ахмад ибн Муалло, Ахмад ибн Юсуф Таглибий, Исхок ибн Довуд, Хорун ибн Мусо Ал--Ахфаш ва бошқалар ривоят килган.

Ибн Омирнинг кироат йўли:

1. Суралар ўртасида а) басмала; б) сакта; в) васл килиб ўкийди. Факат «Анфол» билан «Тавба» ўртасида басмала айтмай а) катъ; б) сакта; в) васл килади.

2. Муттасил ва мунфасил мадларда ўртача □ 4 харакат чўзади.

3. Бир калимада кетма--кет келган иккита хамзанинг иккинчиси фатхали бўлса, тасхил ва тахкик килади, аммо касрали ёки заммали бўлса, факат тахкик килади.

4. Сўз охиридаги хамзани вакфда тагйир килади ва бу факатгина Хишомнинг ривоятида келади.

5. Хишомнинг ривоятида «□□» калимасидаги «зал» баъзи харфларга идгом килинади. Хар икки ривоятда «дал» харфи «са»га ва «са» харфи

«та»га барча ўринларда, «зал» харфи «та»га
□□□□□

,
□□□□

,
□□□□□□

калималарида идгом килинади.

6. Хишомнинг ривоятида куйидаги калималарнинг алифида имола килинади: □□□□, □□□□□
□ , □□

□□□□

,
□□□□□

,
□□□□

.

7. Хишомнинг ривоятида «□□□□□□□□» калимаси айрим ўринларда хамзани фатхали килиб,
алиф билан ўкилади.

8. Ибн Заквоннинг ривоятида куйидаги калималарда алиф имола килинади: □ □□□ □□□
□□□□□ □ □□□□□□□□ □ □□□□□ □□□□ □ □□□□□□ □ □□□□□□ □ □□□□ □ □□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□

.

9. Ибн Заквонда «□□□□□□ □□□» калимасида хамза васл билан ўкилади.

Бу коидаларнинг тафсилоти ва яна айрим хилофларини ушбу мавзудаги китоблардан ўрганилади.